# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 26 январь, № 17 (6452) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЁРҚИН САМАРАЛАРИ

## корхоналаримизда энг замонавий технологиялар асосида юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётганида яққол намоён бўлаяпти



*Президентимизнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида аҳоли даромадлари ортиши натижасида ички истеъмол талаби кенгайгани, чакана савдо айланмаси, пуллик хизматлар ҳажми ўсганига эътибор қаратилди. Халқимизнинг узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар билан таъминланиш даражасида ҳам сифат ўзгаришлари рўй бергани таъкидланиб, бугунги кунда ушбу товарларнинг аксарияти ўзимизда ишлаб чиқарилаётгани алоҳида эътироф этилди.*



Хусусан, ҳар 100 оиланинг 42 таси енгил автомобилларга эга бўлиб, бу беш йил аввалги кўрсаткичдан 1,5 баробар кўп, 47 та оила шахсий компьютерлар билан таъминланган ва бу даврда ўсиш 3,9 баробар, ҳар 100 та оиладан 31 таси кондиционерга эга ёки бу бўйича ўсиш 1,7 баробарга тенг, ҳар 100 та оилага 234 та мобиль телефон тўғри келмоқда ва бу соҳадаги ўсиш 1,6 баробарни ташкил қилди.

Ана шу рақамларнинг ўзиёқ одамларимиз ҳаёти, турмуш

**ЖАРАЁН**

тарзи тобора юксалиб бораётганини яққол ифодалайди. Бинобарин, аҳолимизнинг бугунги кунидан рози бўлиб, келажакка катта ишонч билан қараётгани дунёдаги энг нуфузли халқаро иқтисодий ва ижтимоий марказлар тадқиқотларида ҳам тасдиғини топаётир. Биласиз, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳомийлигида мустақил ташкилотлар гуруҳи ва халқаро экспертлар иштирокида 2015 йилда 158 та давлатда "Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари" деган мавзуда тадқиқот ўтказилди.

(Давоми 2-бетда).

## БИЗ ВА ЖАҲОН

"Яшил ҳафта — 2016" — озиқ-овқат саноати, боғдорчилик, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги халқаро кўргазмасидаги Ўзбекистон Республикаси делегациясининг иштироки доирасида Берлин шаҳрида Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳамда агросаноат салоҳиятига бағишланган тақдимот маросими бўлиб ўтди. У мамлакатимизнинг Германия Федератив Республикасидаги элчихонаси ва Немис иқтисодиёти Шарқий Европа бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

### Германиялик ишбилармонлар:

# «Ўзбекистон билан ҳамкорликни йўлга қўйишдан ва ривожлантиришдан манфаатдормиз»

Тадбир чоғида унинг иштирокчилари Ўзбекистоннинг замонавий иқтисодий ҳолати, саноат корхоналарини модернизациялаш ва технологик қайта жиҳозлаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар, республикада, шу жумладан, аграр жабҳада рўй бераётган ўзгаришлар, сармоявий муҳитни янада такомиллаштириш, мамлакатда инфратузилмаларни ривожлантиришга қаратилган давлат дастурлари бўйича маълумотлар билан яқиндан танишдилар. Озиқ-овқат саноати корхоналари ассоциацияси, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, "Ўздонмаҳсулот" ва "Ўзвиносаноатхолдинг" компаниялари томонидан ишлаб чиқилган аниқ сармоявий лойиҳалар ҳам уларнинг эътиборига ҳавола қилинди.

Тақдимотда сўзга чиққан **Немис иқтисодиёти Шарқий Европа бирлашмаси бошқаруви раиси Маркус Фельснер** Ўзбекистон иқтисодиёти изчил ўсиб бораётганига юқори баҳо берар экан, республикада яратилган қулай сармоявий муҳитга алоҳида эътибор қаратди. У Германияда юртимиз билан шериклик алоқаларини кенгайтириш юзасидан қизиқиш ўсиб бораётганини таъкидлади. "Хусусан, кичик ва ўрта бизнес вакилларимиз орасида ҳам", деди у.

М. Фельснер қўшма сармоявий лойиҳаларни, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун ўзбек шериклар билан узоқ муддатли алоқаларни ўрнатиш юзасидан ГФР компанияларини қўллаб-қувватлаш Немис иқтисодиёти Шарқий Европа бирлашмасининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланишини айтди. У алоҳида қайд этганидек, бугунги кунда немис бизнес тизимлари олдида Ўзбекистондаги истиқболли ва изчил ўсиб бораётган бозорнинг эшиклари очилмоқдаки, мамлакат юқори сифатли озиқ-овқат ҳамда мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича етакчилардан бири бўлиши мумкин.

Ўзбекистонда муваффақиятли фаолият олиб бораётган "Lemken", "Claas", "Berliner Sparkasse" каби немис компаниялари вакиллари ва бошқалар тақдимот қатнашчиларини истиқболли ўзбек бозорига чиқиш имкониятларидан фойдаланишга, республика ҳудудидаги сармоявий лойиҳаларда фаол иштирок этишга чақирди.

Тадбир якунида "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбири тадбирнинг айрим иштирокчилари билан суҳбатлашди.

**Германиянинг MARWIKO AG консорциуми вакили Андреас Йопт** ҳам юртимизнинг иқтисодий ривожланиш йўлидаги қадамларини ижобий баҳолади.

— Бугунги тақдимот менда катта таассурот қолдирди, — деди у. — Ўзбекистон ҳамда унинг замонавий тараққиёти ва мамлакатингизнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги салоҳияти ҳақидаги билимларим янада ошди. Консорциумимиз қишлоқ хўжалигидаги истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш билан шуғулланадиган қарийб 800 та немис, шунингдек, Европа компанияларини ўз атрофига бирлаштирган.

(Давоми 2-бетда).

## Қисқа сатрларда

● Тошкент ирригация ва мелиорация институтида ёшларнинг сиёсий ҳамда ҳуқуқий саводхонлигини оширишга бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда қонун ҳужжатларида вояга етмаганлар ва ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича белгиланган нормалар ижросининг мониторингини янада такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганишни кенгайтириш масалалари юзасидан таклиф-мулоҳазалар билдирилди.

● **Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар мамлакатимиз олий ўқув юртларига имтиёзли асосда ўқишга кириш имконини берадиган ҳарбий қисм қўмондонлиги тавсияномасини олиш учун давлат тест синовларини топширди.**

● "Ўзбекинвест" экспорт-импорт миллий суғурта компанияси ва унинг ҳудудий филиалларида ахборот-маслаҳат гуруҳлари ташкил этилди. Ушбу гуруҳлар суғурта масалалари, жумладан, суғурта шартномалари тузишда шаффофликни таъминлаш ҳамда суғурта ҳодисалари бўйича зарур ҳужжатларни тайёрлашда мижозларга ёрдам кўрсатади.

● **Бухоро вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 100 ўринли даволаш мажмуаси янги бинода фаолият бошлади. Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш жараёнида унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини янада оширишга қаратилаётган алоҳида эътибор юксак самаралар бераётгани таъкидланди.**

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

# Ҳокимлар ҳисоботлари таҳлилий-танқидий руҳда кўриб чиқилмоқда

Жойларда вилоят ҳокимлари тегишли халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ҳамда долзарб масалалари юзасидан ҳисоботлар тақдим этмоқда.

**МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА**

Хусусан, Қаршида халқ депутатлари вилоят Кенгаши мажлисида **Қашқадарё** вилояти ҳокими З. Рўзиевнинг ҳисоботи эшитилди. Унда таъкидланганидек, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётганига қарамай, 2015 йилда иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифалари ҳамда чуқур таркибий ўзгаришлар, хусусий мулк ва кичик бизнес манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш бўйича қабул қилинган дастурнинг изчил ҳамда тизимли амалга оширилиши натижасида ҳудуд иқтисодиёти барқарор суръат билан ўсишига ва макроиқтисодий мувозанатга эришилди.

Ўтган йил якунлари бўйича вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулоти 105,4 фоизга, жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 105,8, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 106,6, қурилиш-пудрат ишлари 109,4 фоиз ошди.

— Ҳоким ҳисоботини эшитиш амалиётининг ҳаётга татбиқ қилингани халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ишининг самарали ташкил этилишида муҳим аҳамиятга эга, — дейди Олий Мажлис Сенати аъзоси И. Аброров. — Қайд этиш керакки, бу ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим масалаларини кўриб чиқишда узвийликни, юқори турувчи органлар томонидан белгиланган баҳоларни ҳисобга олган ҳолда, самарали муҳокамалар ташкил этилиши ҳамда маҳаллий вакиллик органларининг ролини оширишга хизмат қилади. Бинобарин, ҳисобот муҳокамаси якунлари бўйича қабул қилинган қарорда мажлисда кўтарилган масалалар, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича стратегик вазифалар, бу соҳада амалга оширилаётган улкан ишлар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш борасида аниқ чора-тадбирлар кўзда тутилаётгани диққатга сазовордир.

Мажлисда депутатлар томонидан ҳисобот даврида саноатда ва қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни изчил давом эттириш, макроиқтисодий мувозанатни мустаҳкамлаш, хусусий мулк, тадбиркорлик ҳамда кичик бизнесни ривожлантириш ва манфаатини ҳимоялаш борасида йўл қўйилган камчилик, нуқсонлар кўрсатиб ўтилди ҳамда уларни бартараф этиш бўйича аниқ таклиф ва тавсиялар билдирилди.

— Ҳисобот муҳокамасида хусусий мулкдорлар ва тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувларни кескин қисқартириш масаласига алоҳида эътибор қаратдик, — дейди халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашидаги ЎзЛиДеП депутатлик гуруҳи раҳбари Лутфулла Ёзиев. — Чунки ушбу қатлам партиямизнинг асосий электорати ҳисобланади. Шу сабабли муҳокамаларда тадбиркорларга имтиёз ва преференциялардан тортиб, муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишгача бўлган барча жараёнда яқиндан кўмак бериш зарурлигини кўрсатиб ўтдик.

(Давоми 2-бетда).

**АНЖУМАН**

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судида соҳа қонунчилигидаги сўнгги янгиликлар, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳамда бу борада халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳаётга татбиқ этилаётган лойиҳалар аҳамиятига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

# Хўжалик судлари фаолиятига ахборот технологиялари кенг жорий этилаётир

Унда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, БМТ Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси вакиллари, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори, Олий хўжалик суди ва ҳудудий хўжалик судлари судьялари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида юртимизда иқтисодиётни либераллаштириш ҳамда тадбиркорлик субъектларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг рақобатдошлигини кучайтиришга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилиб, улкан муваффақиятлар қўлга киритилмоқда.

Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ушбу йўналишдаги ишларни навбатдаги муҳим босқичга кўтарди.

(Давоми 2-бетда).

## БИР РАҚАМ ШАРҲИ

2015 йилда мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши

**54,5**

**фоизга етди.**



*Иқтисодиётимизни таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, бандликни таъминлаш, аҳолимизнинг даромади ҳамда ҳаёт сифатини оширишнинг муҳим омил ва йўналишларидан бири тариқасида хизмат кўрсатиш, сервис соҳасини жадал ривожлантириш бўйича тизимли ишлар олиб борилгани ана шундай юқори натижага эришилишида ҳал қилувчи аҳамият касб этди.*

# Ҳокимлар ҳисоботлари таҳлилий-танқидий руҳда кўриб чиқилмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**Наманган**да вилоят ҳокими Х. Бозоровнинг ҳисоботи таҳлилий-танқидий руҳда кўриб чиқилди. Унда қайд этилганидек, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги туб ислоҳотлар самараси вилоят ҳаётида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Хусусан, 2015 йилда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 8,7 фоиз ўсди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 14, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 5,9, капитал қўйилмалар 5,9, қурилиш-монтаж ишлари 11,1, чакана савдо айланмаси 12,9, жами хизматлар кўлами 13,2 фоиз ошди.

— Йиғилишда ҳоким ҳисоботини атрофлича кўриб чиқиш билан бирга, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини таъминлашга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди, — дейди вилоят Кенгаши депутати Аваз Иброҳимов. — Унда 2016 йил ва яқин истиқболга мўлжалланган иқтисодий дастурларнинг принципиал муҳим йўналишлари, ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳолининг турмуш сифатини янада юксалтириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятидаги иштирокини кучайтириш сингари қатор долзарб вазифаларга алоҳида урғу берилган. Албатта, ушбу вазифалар ижросини таъминлаш биз, депутатлар корпуси зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Шундан келиб чиқиб, фаолиятимизнинг кейинги йўналишларини аниқлаб олдик.

— Мажлисда депутатлар томонидан вилоят иқтисодиётининг айрим соҳаларида йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар чуқур таҳлил қилиниб, ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар тўғрисида батафсил фикр юритилди, — дейди вилоят Кенгаши депутати Мавлуда Имомова. — Масалан, вилоятдаги қатор йирик саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни кўпайтириш лозимлиги кўрсатиб ўтилди. Ушбу муаммоларни бартараф этиш бўйича сиёсий партиялар депутатлик гуруҳларининг нуқтаи назарлари тингланди, таклиф ва тавсиялар билдирилди. Энг муҳими, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш манзилли дастурлари ижроси устидан жамоатчилик ҳамда депутатлик назорати самарадорлигини ошириш, бунда жамият саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, ижтимоий шериклик институтидан кенг фойдаланиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

**Самарқанд** вилояти ҳокими З. Мирзаевнинг ҳисоботида ўтган йили вилоятда маҳаллий ижро ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилган ишлар атрофлича таҳлил қилинди.

Мажлисда қайд этилганидек, ҳисобот даврида вилоят иқтисодиётида барқарор ўсиш суръати таъминланиб, ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 10,5 фоиз ошди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 13,8, чакана товар айланмаси 14,8, қурилиш-пудрат ишлари 12,4, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 7,3 фоиз ўсди. Ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши 77,9 фоизни ташкил этди.

— Конституциямизнинг 103-моддасига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга биноан илк марта вилоят ҳокимининг маҳаллий вакиллик органига ҳисобот тақдим қилиши депутатларимизнинг ишини жонлантиришда айни муддао бўлди, — дейди Олий Мажлис Сенати аъзоси Нигора Раббимова. — Чунки вилоят ҳокими ҳисоботини эшитишга тайёргарлик кўриш жараёнида сиёсий партиялар депутатлик гуруҳлари сайловолди платформаси ва электорати манфаатидан келиб чиқиб, ўз позицияларини шакллантиришди. Бунда экспертлар, жамоат ташкилотлари вакиллари билан ҳамжиҳатликда иш олиб борилганини таъкидлаш жоиз.

Вилоятда аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ҳам депутатлар диққат-эътиборида бўлди.

— Ҳисоботда бандлик дастури ижросини таъминлаш, хусусан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласига урғу берилди, — дейди вилоят Кенгаши депутати Гулбека Қўчқорова. — Шуни айтиш керакки, вилоятимизда бандлик дастури доирасида ўтган йили 95 мингга яқин, жумладан, қишлоқ жойларда 80 мингта иш ўрни яратилди. Шу билан бирга, Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан уруш ва меҳнат фахрийлари, пенсионерларни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Ушбу мақсадлар учун вилоят бўйича 1 миллиард 48 миллион сўм маблағ сарфланди. Депутатлар томонидан эришилган натижалар билан бирга, йўл қўйилган камчиликлар ҳам атрофлича ўрганилди. Хусусан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, енгил саноатни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, хорижий инвестициялар иштирокида корхоналар ташкил этиш ва маҳсулот экспортини кўпайтириш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини мутахассислиги бўйича иш билан таъминлаш борасида мавжуд имконият ва салоҳиятдан етарлича фойдаланилмаётгани қайд этилди. Уларни ҳал қилиш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар билдирилди.

**Фарғона**да вилоят ҳокими Ш. Ғаниевнинг ҳисоботи танқидий-таҳлилий нуқтаи назардан атрофлича кўриб чиқилди.

Мажлисда ўтган йили вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда салмоқли натижаларга эришилгани таъкидланди. Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати 8 фоизни ташкил этиб, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 12,7 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 7, чакана товар айланмаси 14,6 ва хизматлар кўрсатиш 18,3 фоиз ошди.

— Вилоят Кенгаши регламентига мувофиқ, доимий комиссиямиз вилоят ҳокими ҳисоботини тайёрлашга масъул этиб белгиланди, — дейди халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш бўйича доимий комиссияси аъзоси Матлубахон Маҳаметова. — Конституциявий ислоҳотларнинг ушбу амалий ифодаси туфайли депутатларнинг сессиялар ишини тайёрлашда, ҳисоботларни эшитишда масъулияти янада ошди. Ҳисобот даврида вилоят иқтисодиётининг барқарорлиги таъминланиб, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг юқори ўсиш суръатларига эришилди. Бу эса белгиланган устувор вазифаларнинг сўзсиз бажарилишини, кенг кўламдаги ислоҳотларни изчил давом эттириш имконини бермоқда.

— Ҳисоботда вилоятда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликка кенг эркинлик бериш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди, — дейди вилоят Кенгаши депутати Мўминжон Йўлдошев. — Ўтган йили ҳудудда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони 2260 тага кўпайди. Бугун вилоятимизда 18 минг 775 та тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатаяпти. Эътиборлиси шундаки, жорий йилнинг 1 январидан бошлаб, кичик бизнес субъектларига янада қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида шаҳар ва туманларимизда тадбиркорларга "Ягона дарча" тамойили асосида ишловчи марказлар фаолияти йўлга қўйилди. Депутатлар ушбу марказлар фаолияти самарадорлигини ошириш, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган комплекс дастурлар ижроси устидан жамоатчилик ва депутатлик назоратини кучайтириш зарурлигини кўрсатиб ўтдилар.

Йиғилишда депутатлар томонидан айрим соҳаларда мавжуд имкониятлардан етарли даражада фойдаланилмаётганига эътибор қаратилиб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Термизда бўлиб ўтган халқ депутатлари **Сурхондарё** вилояти Кенгаши мажлисида вилоят ҳокими Т. Мамараимов ҳисоботи тингланди. Ҳисоботни муҳокама қилиш давомида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар натижалари ва йўл қўйилган камчиликлар чуқур таҳлил этилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, янги лойиҳаларни ишга тушириш, корхоналарни модернизация қилиш, техник ҳамда технологик янгилаш юзасидан олиб борилаётган ишлар вилоят иқтисодиётининг барча соҳасида изчил ўсиш суръатини таъминлади. Ялпи ҳудудий маҳсулот 9,2 фоиз, жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 9,8, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,1, қурилиш-монтаж ишлари ҳажми 14,8 фоиз ошди.

— Ҳисоботни атрофлича кўриб чиқиб, вилоятимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2016 йил ва ундан кейинги даврга мўлжалланган устувор йўналишларини белгилаб олдик, — дейди халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Ўрол Тошбоев.— Албатта, бу вазифаларни рўёбга чиқаришда биз, халқ вакиллари зиммасидаги масъулият янада ортади. Бинобарин, Соғлом она ва бола йили муносабати билан қабул қилинадиган Давлат дастури ижросига камарбаста бўлиш, Бандлик дастури ижросини, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш борасида белгилаб олинган вазифалар сўзсиз бажарилиши устидан депутатлик назоратини ўрнатишимиз айни заруратдир. Ҳисобот якуни бўйича қабул қилинган қарорда доимий комиссиялар, депутатлар, сиёсий партиялар депутатлик гуруҳлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Сурхондарё вилояти Кенгаши депутатлари аҳоли бандлигини таъминлаш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, вилоятнинг экспорт салоҳиятини янада юксалтириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратишди.

Вилоятлар ҳокимларининг ҳисоботлари юзасидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Мажлисларда маҳаллий ижро ва вакиллик органларининг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги масъулиятини ошириш, маҳаллий Кенгашлар қарорлари ва ҳокимлар ҳисоботларининг кенг жамоатчиликка етказилишини таъминлаш, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар томонидан қабул қилинган ҳужжатлар тегишли ҳудудда жойлашган барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши устидан назоратни ўрнатиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

# Хўжалик судлари фаолиятига ахборот технологиялари кенг жорий этилаётир

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мазкур ҳужжат билан тасдиқланган чора-тадбирлар дастурида хусусий тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилишда суд органлари ролини ошириш назарда тутилган.

Иштирокчиларга тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, хусусий мулк устуворлигини таъминлаш ва унинг ҳуқуқий муҳофазасини кучайтириш, корхоналар молия-хўжалик фаолиятига давлат ҳамда назорат қилувчи идоралар аралашувини камайтиришга қаратилган қонун ҳужжатлари хусусида батафсил маълумот берилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди қонунчилик ташаббуси билан хўжалик судларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ва қўллашга қаратилган хўжалик процессуал қонунчилик изчил такомиллаштириб борилаётир. Натижада бугун суд муҳокамаси иштирокчилари электрон шаклда даъво аризаларини судга жўнатиш ва суд ҳужжатларини олиш ҳамда суд мажлисида видеоконференц-алоқа тизими орқали қатнашиш имкониятидан тўлиқ фойдаланишаётир.

Анжуманда Олий хўжалик суди томонидан халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳаётга татбиқ этилаётган лойиҳаларнинг натижаларига ҳам тўхталиб ўтилди. Хусусан, 2015 йилда халқаро ҳамкорлар билан биргаликда амалга оширилган лойиҳа доирасида Олий хўжалик суди ва Тошкент вилояти хўжалик судининг учта залига суд муҳокамасини аудиовидео қайд этиш имконини берувчи техник ускуналар ўрнатилди. Бу хўжалик процессини соддалаштириш, суд иш юритувини оптималлаштириш ва автоматлаштириш, пировардида хўжалик процессининг самарадорлиги ҳамда очиқлигини таъминлаш имконини бераётир. Суд муҳокамаларининг аудиовидео қайд этилиши истиқболда суд мажлиси баённомасини қоғоз шаклида тузишга зарурат қолдирмайди.

Муҳими, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик изчил давом эттирилмоқда. Жорий йилда хўжалик судлари суд иш юритувида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни янада такомиллаштириш ҳамда хўжалик судлари қарорлари ва уларга шарҳлар тўпламини тайёрлаш, нашр этиш, тадбиркорлар ҳуқуқларининг ҳимояси масалаларида семинар ҳамда давра суҳбатлари ўтказиш режалаштирилаяпти.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволга жавоб олди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Дастурхон кўрки

Нукус шаҳридан оқиб ўтувчи, ҳар икки қирғоғи обод қилинаётган "Дўстлик" канали бўйида бунёд этилаётган ижтимоий соҳа объектлари сони яна биттага кўпайди. Яъни бу ерда "Қорақалпоқ дон маҳсулотлари" акциядорлик жамияти ташаббуси билан қиймати 2 миллиард 15 миллион сўмлик замонавий новвойхона ишга туширилди.

**ИЗЛАНИШ**

Корхона мутасаддиси Дарябой Ержановнинг таъкидлашича, Германия технологияси билан жиҳозланган корхонада айни пайтда маҳаллий ёшлардан 12 нафари меҳнат қилмоқда. Улар томонидан 15 турдаги нон ва нон маҳсулотлари тайёрланаяпти.

Умуман, 2015 йилда Оролбўйи минтақасида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга доир 10,6 миллиард сўмлик 76 та шу каби лойиҳа амалга оширилди. Пировардида 589 кишининг бандлиги таъминланди.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Германиялик ишбилармонлар:

# «Ўзбекистон билан ҳамкорликни йўлга қўйишдан ва ривожлантиришдан манфаатдормиз»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон Берлиндаги "Яшил ҳафта" қишлоқ хўжалиги халқаро кўргазмаси ишида мунтазам ва фаол қатнашаётгани бизни қувонтиради. Унинг бўлмаси билан танишар эканман, республика агросаноат мажмуидаги дунё миқёсида харидоргир барча маҳсулотлар кўргазма пештахталаридан жой олганига гувоҳ бўлдим.

Тақдимот маросими Ўзбекистон бозорида ишлаётган машҳур немис компанияларининг тажрибаси билан танишиш учун ҳам яхши имкониятни яратди. Шу боис бизда манфаатдор ўзбек компаниялари билан шерикликни йўлга қўйиш истаги туғилди.

**"C3 Consult" компанияси менежери Роланд Циммерман** республикамиз молия-банк соҳасида қўлга киритган муваффақиятларни юқори баҳолади. Жаҳон банкининг маърузасида Ўзбекистон ҳозирги пайтда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида юқори натижаларга эришган мамлакатларнинг биринчи ўнлигидан жой олган. Бу далил, шубҳасиз, ГФР бизнес тизимлари вакилларини ўзига жалб этади. Биз Ўзбекистон билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда ривожлантиришдан манфаатдормиз. Бугун немис компаниялари ходимлари ўзбек бозорининг катта имкониятлари, мамлакатда хорижий сармоядорларга яратилган солиқ имтиёзлари ва бошқа қулайликлар ҳақидаги кўп маълумотлардан хабардор бўлдилар. Ушбу тадбир Ўзбекистон — Германия ўртасида иқтисодиёт соҳасидаги ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилади.

**«Жаҳон» АА.**
Берлин

# ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЁРҚИН САМАРАЛАРИ

## корхоналаримизда энг замонавий технологиялар асосида юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётганида яққол намоён бўлаяпти

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ҳар қайси давлатнинг ўз фуқароларини бахтли ҳаёт билан таъминлаш қобилиятини ифода этадиган ушбу индекс бўйича Ўзбекистон 44-ўринни эгаллади. Ваҳолонки, юртимиз 2013 йилда бу рейтингда 60-ўринда эди.

Албатта, ҳеч бир натижага, муваффақиятга шунчаки эришиб бўлмаганидек, она-Ватанимизнинг ҳам бугунгидек барқарор ривожланаётган, дунёнинг ҳайрат ва ҳавасини келтираётган мамлакат сифатида ном қозониши ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Қўлга киритилаётган ютуқлар замирида, аввало, танлаган йўлимиз, шу асосда сафарбар қилинаётган катта куч ҳамда меҳнат ётибди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Юртбошимиз мустақиллигимизнинг йигирма тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида республикамизда юритилаётган сиёсатнинг ўзига хослиги ҳақида тўхталиб, жумладан, шундай деган эди: "Ҳеч кимга сир эмас — биз юртимизда ўзимизга хос, ўзимизга мос ҳаёт қуришда шошмашошарлик, калтабинлик ҳолатларига, пала-партиш ишларга асло йўл қўймадик. Бошқаларга ўхшаб, маррани ким тезроқ эгаллайди, деган мусобақаларга қўшилмадик, ўзгалардан нусха олмадик, узоқни кўзламайдиган "маслаҳатчи"лардан йироқ бўлдик. Энг муҳими, ўз тақдиримизга, келажагимизга енгил-елпи қараб, таклиф этилаётган кредитларга учиб, қарзга ботганимиз йўқ.

Бир сўз билан айтганда, биз ҳақиқатан ҳам "Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун" деган принципга амал қилиб, мақсадимизга эришиш учун босқичма-босқич, эволюцион — тадрижий тараққиёт йўлини маҳкам ушладик.

Чуқур ва пухта ўйланган, машҳур беш тамойилга асосланган, бугунги кунда жаҳон миқёсида "ўзбек модели" деб тан олинган стратегик тараққиёт дастурини ишлаб чиқиб, уни амалга оширганимиз, ҳеч шубҳасиз, тарихимизда ўчмас из қолдириши муқаррар".

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида биргина иқтисодиётимизни либераллаштириш ҳамда модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш бўйича ҳаётга татбиқ этилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар туфайли республикамизда замонавий юксак технологияларга эга бўлган автомобилсозлик, нефть ва газ кимёси, нефть-газ машинасозлиги, тўқимачилик саноати каби тармоқлар, чарм-пойабзал, озиқ-овқат, фармацевтика, электроника ҳамда маиший электроника, қурилиш материаллари саноати сингари жаҳон, минтақавий ҳамда ички бозорларда талаб катта бўлган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган янги мажмуалар ва корхоналар барпо этилди. Аҳоли бандлиги даражаси ошди. Ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, инвестицияларни рағбатлантириш, тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ҳамда уларга қатор имтиёз ва преференциялар тақдим этилаётгани эса "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" брендининг нуфузи юксалишида муҳим омил бўлаётир.

Бир пайтлар газ плиталари, микротўлқинли печлар, музлаткичлар, кондиционерлар, кир ювиш машиналари, чангюткичлар ва LCD-телевизорлари, мобиль телефонлар маҳаллий корхоналаримизда тайёрланади, деса биров ишонмасди. Лекин бугун ана шу маҳсулотларнинг барчаси ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда. Улар нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам харидоргир бўлиб бораяпти.

Пойтахтимизда "Artel" савдо белгиси остида ишлаб чиқарилаётган смартфонлар ҳам замон талабларига тўла жавоб берадиган миллий маҳсулотлар сирасига киради. "Great Global Line" компаниясида тайёрланаётган мазкур мобиль алоқа воситалари "Android One" дастури асосида ишлайди. Айтиш жоизки, бу "Google" корпорациясининг бугунги кундаги энг муваффақиятли ишланмаларидан биридир.

— "Artel" брендини ҳамкор сифатида танлаганимиз бежиз эмас, — деди "Google Android One" лойиҳаси раҳбари Фиона Ли. — Сабаби, ушбу савдо белгисига асос солинган Ўзбекистон нафақат МДҲ, балки жаҳон миқёсида жадал суръатларда ривожланаётган давлатлардан бири саналади. Ўз навбатида, бу ерда ишлаб чиқариш суръатлари ҳам эътиборимизни тортди. Маҳаллий товарлар қисқа вақт ичида импорт ўрнини босаётгани билан ажралиб туради. Бундай муваффақиятларга эришилишида давлат томонидан яратиб берилаётган кенг шарт-шароитлар мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтаётганига амин бўлдик.



"GGL" телефонлари функциялар мажмуаси, технологик тузилиши ва замонавий дизайни, арзонлиги билан мижозлар эътиборини тортмоқда. Масалан, ушбу моделдаги смартфонларда оператив хотира ҳажми 2 Гб., флеш-модул 16 Гб.га тенг. Экрани сенсорли бўлиб, 5 дюйм ҳажмда. Қолаверса, уларнинг олд қисмида 5 мегапикселли камера ўрнатилган. Асосий камеранинг ҳажми эса 13 мегапикселни ташкил қилади. Бундай афзалликлар рўйхатини узоқ давом эттириш мумкин. Шунинг учун ҳам ушбу мобиль алоқа воситаларига бўлган талаб ортиб бораяпти.

— Айни пайтда янада такомиллаштирилган моделлар устида ҳам изланмоқдамиз, — дейди корхона директори Феруз Давронов. — Бу нафақат харидорларимиз сафини кенгайтириш, балки қўшимча иш ўринлари яратиш имконини ҳам беради. Кези келганда айтиш жоиз, бугунги кунда смартфонларимиз МДҲ мамлакатлари, Бирлашган Араб Амирликларига ҳам сотилаяпти. Келажакда Европа бозорларига чиқишни мақсад қилганмиз.

Ҳозир корхонада элликдан ортиқ киши меҳнат қилаяпти. Уларнинг асосий қисми ёшлардан иборат. Бу, ўз навбатида, эртамиз эгалари энг сўнгги русумдаги техник ҳамда технологик воситаларни бошқаришда ҳеч кимдан кам эмаслигининг яна бир ифодаси, уларнинг замон талабларига тўла жавоб берадиган кадр сифатида катта ҳаётга кириб бораётгани, мамлакат равнақига, оиласи ободлигига ўз ҳиссасини қўшаётгани тасдиғи ҳамдир.

— Мазкур жамоа сафига қўшилганимга бир йилдан ошди, — дейди ўзини Баҳром Абдувоситов деб таништирган йигит. — Шу соҳага ихтисослаштирилган коллежни тамомлаганман. Таълим муассасасида олган билимим, амалиёт чоғида ўрганганларим фаолиятимда қўл келаяпти. Қолаверса, тажрибали мутахассислар ёрдамида амалий кўникмамни янада бойитиб бораяпман.

Мухтасар айтганда, амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар бугун ўз меваларини бераяпти. Яъни "ўзбек модели"нинг нақадар ҳаётий ва самарали экани ҳар бир жабҳада қўлга киритилаётган улкан муваффақиятлар мисолида яққол тасдиғини топаётир. Зеро, Ўзбекистонни энг ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар бундан буён ҳам изчил давом эттирилади.

**Саиджон МАХСУМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2016 йил 26 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1986,57 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 4049,60 |
| 1 Дания кронаси | 410,33 |
| 1 БАА дирҳами | 770,89 |
| 1 АҚШ доллари | 2831,49 |
| 1 Миср фунти | 361,62 |
| 1 Исландия кронаси | 21,66 |
| 1 Канада доллари | 2003,18 |
| 1 Хитой юани | 430,44 |
| 1 Россия рубли | 35,14 |
| 1 Украина гривнаси | 114,21 |
| 1 Малайзия ринггити | 659,41 |
| 1 Польша злотийси | 687,17 |
| 1 СДР | 3905,19 |
| 1 Туркия лираси | 943,89 |
| 1 Швейцария франки | 2792,40 |
| 1 евро | 3090,80 |
| 10 Жанубий Корея вони | 23,75 |
| 10 Япония иенаси | 238,60 |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси иқтисодиётимиз барқарорлиги, турмушимиз фаровонлигида кўзга яққол ташланмоқда. Жумладан, кейинги йилларда молия-банк тизимидаги ишларга эътибор қаратадиган бўлсак, улар маблағларини иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари қаторида тадбиркорларнинг бизнес лойиҳаларини рўёбга чиқариш учун йўналтираётгани диққатга сазовордир. Бунда соҳа вакилларининг давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланаётгани, эркин фаолият юритиши учун яратилаётган шарт-шароитлар, берилаётган имконият ва имтиёзлар, айниқса, қўл келаётир.

Марказий банк томонидан юритилаётган оқилона пул-кредит сиёсати натижасида тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги янада мустаҳкамланиб бормоқда. Таъкидлаш жоизки, бу жараёнда “Агробанк” акциядорлик тижорат банки жамоаси ҳам фаол иштирок этиб, ишбилармонларнинг яқин кўмакчиси ҳамда маслаҳатчисига айланган. Банк томонидан 2015 йилда давлатимиз раҳбарининг “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури ижросини таъминлаш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида биргина ишбилармонлар учун 931 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилиб, 13465 кишининг бандлиги таъминлангани ана шундан далолат беради. Айниқса, молия муассасаси маблағларининг 38 миллиард сўми ёш мутахассисларга, 123 миллиард сўми хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга йўналтирилгани уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишида муҳим аҳамият касб этди. Бунга ана шундай ҳамкорлик асосида тадбиркорликни йўлга қўйиб, оиласи, қолаверса, элу юртга наф келтириш йўлида астойдил меҳнат қилаётган юртдошларимизнинг қуйидаги фикрлари ҳам яққол мисол бўла олади.



# ТАДБИРКОРЛИК, ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК

## Ғамхўрликдан миннатдормиз

*Юртимизда аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, хусусан, биз, аёлларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликдан беҳад мамнунмиз. Хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.*

Ана шундан руҳланиб, қанчадан-қанча аёлларимиз ишбилармонликка қўл уриб, оиласи даромадига улуш қўшмоқда. Ўзимдан қиёс: тадбиркорлигимни йўлга қўйишим билан жамиятнинг янада фаол аъзосига айландим. Дастлаб, “Қандай бизнес-режа тузиб даромадга эришаман?” деган хаёлда юрган бўлсам, бугунги кунга келиб, мижозларга янада сифатли хизмат кўрсатиш ҳақида ўйлаяпман.

Албатта, бунда “Агробанк” жамоасининг кўмаги катта бўлаяпти. Хусусан, унинг Чортоқ филиалидан тикувчилик, пазандачилик, умумий овқатланиш, савдо дўкони ва гўзаллик салони, қисқача айтганда, маиший хизмат кўрсатиш мажмуини ташкил этиш учун 100 миллион сўм миқдорида кредит олиб, фаолиятимизни ривожлантираяпмиз. Айни пайтда фирмамизда 20 киши иш билан банд. Уларнинг фидойи меҳнати, ғайрат-шижоати туфайли бултур “Тадбиркор аёлнинг энг яхши лойиҳаси — 2015” кўрик-танловининг республика босқичида қатнашиб, “Сервис соҳасидаги энг яхши лойиҳа” йўналишида биринчи ўринни эгалладик. Бу ютуқ эндиликда барчамизни янада фаол бўлишга, бундан-да юксак марраларни забт этишга ундамоқда.

Бундан кейин ҳам “Агробанк” билан доимий ҳамкорлик қилиб, янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишда унинг молиявий кўмагидан фойдаланиш ниятидамиз.

**Матлуба ДЕҲҚОНОВА,**
**«Райҳон — Фаррух» хусусий фирмаси раҳбари.**

## Барака манбаи

*Оилавий тадбиркорликни ривожлантиришда ҳар бир кишининг қизиқиши, имконияти, эҳтиёжи ҳисобга олиниши зарур. Чунки бу омиллар ишни янада кенгайтиришга, қолаверса, амалий меҳнатнинг самарали бўлишига замин яратади.*

Биз ҳам шулардан келиб чиқиб, оила аъзоларимиз билан маслаҳатлашган ҳолда, банк кредити асосида бизнес юритишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Табиийки, бу борада давлатимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар, яратилаётган имконият ҳамда шарт-шароитлар қўл келди. Пировардида тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва хом ашё сотиб олиш учун “Агробанк”нинг Учкўприк филиалидан 15 миллион сўм миқдорида кредит олиб, қўшимча равишда икки кишининг бандлигини таъминладик.



Бугун рўзғоримиз бут, турмушимиз фаровон. Буларнинг барчаси юртимизда тадбиркорларга қаратилаётган эътибор ҳамда ғамхўрлик шарофатидир.

**Замира ҚОРАБОЕВА,**
**«Halimaxon istiqlol g‘unchasi» оилавий корхонаси раҳбари.**

## Саломатлик — бебаҳо бойлик

*Бугунги кунда юртимизда инсонлар саломатлигини яхшилаш, уларга замонавий тиббий хизмат кўрсатиш борасида кенг кўламдаги ишлар олиб борилмоқда.*

Айниқса, никоҳ ёшидаги ўғил-қизларни тиббий кўрикдан ўтказиш, оналик ва болаликни ҳимоялаш, қисқаси, барчанинг замонавий тиббий хизматлардан фойдаланиши учун зарур шарт-шароитлар муҳайё этилган.

Биз ҳам ана шундай эътибор ва кўмакдан руҳланган ҳолда, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйган эдик. Яъни муассасамизни замонавий тиббий анжомлар билан жиҳозлашда молия муассасасининг Навбаҳор филиалидан олинган 39 миллион сўмлик кредитдан унумли фойдаландик. Бизга тезкор хизмат кўрсатилиб, керакли маблағ ўз вақтида ажратиб берилгани учун банк жамоасидан беҳад мамнунмиз.

**Гулзода КАРИМОВА,**
**«Нозима Азим мед» оилавий корхонаси раҳбари.**



## Эътибор ва рағбат натижаси

*Мустақиллик йилларида республикамизнинг барча ҳудудида бўлгани каби Бойсун туманида ҳам ишбилармонлик, хусусан, ҳунармандчилик жадал ривожланаяпти.*

Натижада тадбиркорлар сафи тобора кенгаймоқда. Айниқса, соҳани қўллаб-қувватлаш борасида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан тортиб, молиявий кўмак беришгача бўлган жараён доимий эътибор ва назоратда эканлиги ишимизга барака бағишлаяпти. Бунда тижорат банкларининг ҳам ҳиссаси алоҳида. Негаки, айни пайтда молия муассасаларининг ҳар бир ходими мижоз мурожаатини эътиборсиз қолдирмайди. Имкон борича ёрдам беришга шошилади. Хусусан, бизнинг мебель ва бошқа қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга мўлжалланган бизнес-режамиз ҳам “Агробанк”нинг Бойсун филиали томонидан қўллаб-қувватланиб, қисқа фурсат ичида 300 миллион сўмлик кредит ажратилди. Бунинг эвазига 12 нафар ёш мутахассисни ишга жалб қилиш билан бир қаторда, аҳоли ва ташкилотларга ўз маҳсулотларимизни пешма-пеш етказиб бераяпмиз.

Келгусидаги режаларимиз кўп. Уларни рўёбга чиқаришда ҳам, албатта, мазкур молия муассасаси билан изчил ҳамкорлик қиламиз.

**Ёқуб ТЎРАҚУЛОВ,**
**«Хуршид» кичик корхонаси раҳбари.**

## Ишончимиз мустаҳкам

*Юртимизда тадбиркорлар ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда. Бу эса ишбилармонлар фаолиятини ривожлантириш баробарида, эртанги кунга бўлган ишончини ҳам мустаҳкамлаяпти.*

Масалан, биз “Агробанк”нинг доимий мижозимиз. Аниқроғи, корхонани ташкил этганимиздан буён ушбу молия муассасаси маблағларидан фойдаланиб келаяпмиз. Дастлаб, банкнинг Ғаллаорол филиалидан 120 миллион сўм миқдоридаги кредит ҳисобига хориждан 25 та тикув машинаси харид қилиб, фаолиятимизни бошлаган бўлсак, кейинчалик жамоамиз аъзолари сонини 20 нафарга етказиб олдик.

Ҳозир корхонамизда иш қизғин. Чеварларимиз тикаётган кийим-кечаклар буюртмачиларга манзур бўлаётганидан хурсандмиз.

**Юлдуз ТОҒАЕВА,**
**«Маржон Сурхонбек» хусусий корхонаси раҳбари.**

## Янги лойиҳалар рўёби

*Ёшлик инсон умрининг ўзига хос даври. Бу паллада ўқиб-ўрганган, бирор бир касб этагидан тутган киши кам бўлмайди. Энг муҳими, мамлакатимизда бунинг учун имкониятлар етарли.*

Айниқса, ёшлар тадбиркорлиги йўлида амалга оширилаётган ишлар кўлами тобора кенгайиб бораётгани диққатга сазовордир. “Ёш тадбиркор — элга мададкор”, “Диплом билан — бизнесга” каби лойиҳалар, коллеж битирувчилари ва банк мутахассислари ўртасида бўлиб ўтаётган давра суҳбатлари бўлажак ишбилармонларга бизнес-режа тузиш, кредитни мақсадли сарфлаш, илғор тадбиркорларнинг иш услубини оммалаштиришга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

Ўзим ҳам “BankExpo — 2015” миллий кўргазмасининг вилоят босқичида бизнес лойиҳам билан қатнашгандим. Буни қарангки, тадбир асносида лойиҳам энг яхшиларидан бири, деб топилди ва “Агробанк”нинг Олтинкўл филиали томонидан 14 миллион сўм миқдорида кредит ажратиладиган бўлди. Бу эса тенгдошларим билан пойабзал ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этишимга замин яратди.

Келгусидаги режаларим бисёр. Уларни рўёбга чиқаришда ҳам “Агробанк”нинг молиявий кўмаги асқатиши, шубҳасиз. Чунки ушбу молия муассасаси биз, ёшларнинг доимий кўмакчимиздир.

**Муслимахон РЎЗИБОЕВА,**
**Олтинкўл саноат ва энергетика касб-ҳунар коллежи битирувчиси.**

## Мақсадимиз — юрт равнақига ҳисса қўшиш

*Албатта, ҳар бир киши фарзандлари соғлом, оиласи тинч, фаровон, маҳалласи обод бўлишини истайди. Шукрки, бугун бизда ушбу неъматларнинг барчаси мавжуд.*

Яъни ўғил-қизимизни баркамол вояга етказиш, юрт ободлиги йўлида астойдил меҳнат қилиш учун етарли шарт-шароитларга эгамиз. Жумладан, Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ишлар натижасида биргина тадбиркорлик соҳасида улкан ўзгаришлар кузатилмоқда. Тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредитлар эса ишбилармонларга қўл келаяпти. Биз ҳам бундай имкониятдан унумли фойдаланиб, доимий ҳамкоримиз — “Агробанк” билан бамаслаҳат иш юритиб кам бўлаётганимиз йўқ. Хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш ва улар эришган ютуқларни кенг жамоатчиликка етказиш борасида турли кўрик-танловлар ўтказилаётгани нур устига аъло нур бўлаяпти. Шулардан бири — “Тадбиркор аёлнинг энг яхши лойиҳаси — 2015” кўрик-танловининг республика босқичида иштирок этиб, “Қишлоқ жойларга мўлжалланган энг яхши лойиҳа” йўналишида учинчи ўринни олишга муваффақ бўлдик.

Ҳозирги кунда оилавий корхонамизда паррандачиликни ривожлантириш борасида амалий саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Келгусида паррандалар сонини кўпайтириш, экотуризмни йўлга қўйиш ва колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун цех қуриш ниятимиз бор. Ўйлайманки, бу жараёнда ҳам “Агробанк” маблағлари бизга қўл келади.

**Замира ТОЖИЕВА,**
**«Ибрат-Рўзмат» оилавий корхонаси раҳбари.**

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, “Агробанк” АТБ жамоаси бошқа тижорат банклари сингари юртимизда кичик бизнесни ривожлантириш, мамлакатимизнинг тараққий этган давлатлар сафидан ўрин олиши йўлидаги саъй-ҳаракатларга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида самарали фаолият олиб бораётир. Қувонарлиси, эришилаётган ижобий ўзгаришлар, қўлга киритилаётган ютуқлар жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак эътирофини топмоқда. Бу, албатта, ҳар биримизга ғурур бағишлайди.

**Хайрулла ХОЛТЎРАЕВ.**

РЕКЛАМА ЎРНИДА

*Хизматлар лицензияланган.*

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 167. 151 134 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.40 Топширилди — 21.20 1 2 3 4 5 6